

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЎСУВЧИ ИГНАБАРГЛИ ЎСИМЛИКЛАРДАН ЭФИР МОЙИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Манзура Ўразматовна Юсупова

Урганч давлат университети

manzurayusupova7037@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистондаги доривор ўсимликлардан эфир моддалар ажратиб олиш, эфир мойли ўсимликларнинг кимёвий таркибини ва хоссаларини, биологик ва фармакологик хусусиятларни ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мақолада Республикаизда ўсадиган игна баргли ўсимликлардан эфир мойларини ажратиб олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари келтирилган. Эфир мойлари ажратиб олишнинг оптималь шароитлари ўрганилган.

Калит сўзлар: игна баргли ўсимликлар, арча қуббаси, эфир мойлари, экстракция, сув буғида ҳайдаш, петролей эфири, этил спирти, Гинзберг асбоби

ABSTRACT

Extraction of essential oils from herbs based in Uzbekistan, study of the chemical composition and properties, as well as biological and pharmacological properties of plants rich in essential oils is one of the most central issues today. The article gives insights into the extraction of essential oils from conifers based in country. Optimal conditions for the extraction of essential oils have been studied.

Keywords: conifers, spruce dome, essential oils, extraction, water vapor driving, petroleum ether, ethanol, Ginzberg instrument.

КИРИШ

Республикаизда ўсадиган арча ўсимлигининг таркибида инсон организми учун зарур бўлган биологик фаол моддалар-эфир мойлари, шакар, клечатка, витамин каби моддалар кўп миқдорда учрайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида ўсуви арча ва қарағай ўсимлигининг-Juniperus sabina тури бактерия-ларга қарши таъсирга эга. Бу хусусиятни унга таркибидаги эфир мойлари беради. Шуларни эътиборга олган ҳолда мақолада Республикаиз ҳудудида ўсадиган игна баргли

ўсимликлардан эфир мойларини ажратиб олиш жараёни ўрганилган.

Республика озиқ-овқат саноати тизими ning асосий вазифаларидан бири ахолини самарали, кам заҳарли, хавфсиз ва юқори фармакологик фаолликка эга бўлган воситалар билан таъминлашдир. Уларни ишлаб чиқиш учун ўсимлик хом ашёлари, заҳиралари етарли, ушбу ҳолат бугунги кундаги импорт ўрнини босувчи воситалар яратиш бўйича маҳаллий препаратларини ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш имконини беради.

Тадқиқот ишининг асосий мақсади, Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган арча, қарағай ўсимлиги игна баргларидан, новдаларидан, қуббасидан инсон учун фойдали бўлган эфир мойларини ажратиб олишдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Арча дарахтининг-Juniperus sabina тури ҳаводаги бактерияларни тозалайди, туберкулез ва дизентерия қўзғатувчиларини, грипп вирусларини ўлдиради. Бу хусусиятни унга таркибидаги эфир мойлари беради. Шунингдек нафас олиш органлари ва юрак қон томир касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Эфир мойлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилиши билан бир қаторда уларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Эфир мойларидан атир-упа, совун ишлаб чиқаришда, тиш пасталари, озиқ-овқат эссенциялари тайёрлашда, тиббиётда, фармацевтикада фойдаланилади. Игна баргли ўсимликлардан олинадиган эфир мойлари сийдик ҳайдашда, суюк касалликларида ва жароҳатларни даволашда антисептик препарат сифатида ишлатилади [1,2].

Арча мойи гемотомаларда, шикастланган тўқималарни қайта тикланишида қучли малҳам ҳисобланади. Цистит, уретрит каби урологик касалликларни даволашда ҳам фойдаланилади. Арча мойи терини таранглашириш, чарчоқ аломатларини олдини олиш хусусиятларига эга [3].

Эфир мойлари ўз кимёвий таркибининг мураккаблиги, учувчанлиги ва хушбўй бўлиши билан ўсимлик мойларидан фарқ қиласи. Агар эфир мойлари қоғоз ёки материалга томизилса, унда ҳеч қандай доғ қолдирмайди. Эфир мойлари кўпчилик ўсимликларда эркин ҳолатда бўлиб, сув буғи ёрдамида ҳайдаб олиш ёки экстракция усули билан ажратиб олинади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойлари очик ҳавода, ёруғлик таъсирида ранги, таркиби тез ўзгаради. Кислород ва ҳаво намлиги таъсирида баъзи эфир мойлари оксидланиши ҳамда

учувчанлик ҳолатини йўқолиши натижасида юқори даражада қайновчи полимер бирималар ҳосил қиласи.

Адабиёт маълумотларда [4], дарахтсизон ўсимликлар таркибидаги эфир мойларини ажратиб олишда ҳайдаш ҳарорати $90-100^{\circ}\text{C}$ да, босим остида, 8-10 соат давомида амалга оширилган. Ушбу маълумотдаги таклиф қилинаётган эфир мойини ажратиб олиш жараёнининг камчилиги шундаки, технологик жараён кўп энергия талаб қиласи. Бу эса ажратиб олинган эфир мойи тан нархининг ошишига олиб келади.

НАТИЖАЛАР

Биз игнабаргли ўсимликлардан эфир мойи олишнинг энг қулай шароитини ишлаб чиқдик. Бунда эфир олиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Ўсимликтин турли қисмларини майдалаб, қуришиб улардан сув буғи ёрдамида эфир олиш, унумларини таққослаш ва унинг чиқиш унумига таъсир қиласидиган омилларни аниқлаш;

2. Адабиёт маълумотларига асосан эфир олиш жараёнида энг осон учувчан эритувчиларни қўллаш ва бу усулдан саноатда ҳам кенг фойдаланиш.


Эфир мойи олиш учун сув буғи ёрдамида ҳайдаш асбобидан фойдаланилади ва экстракция усули учун осон учувчи эритувчилар (петролей эфир, хлороформ, гексан, этил спирт) қўлланилади. Қарағайнинг игна баргидан олинган эфир мойининг ҳиди кучсиз ароматик ҳидга эга бўлади. Эфир мойи сувда эримайди. Лекин қутбсиз органик эритувчиларда яхши эрийди. Эфир мойи учувчан бўлади.

Арчадан эфир мойи олишда арча ўсимлиги барги, қуббаси ва новдаси олинниб $25-28^{\circ}\text{C}$ да қуритилиб майдаланди. Қуруқ хом-ашёдан 500 г ўлчаб олинниб, эфир мойини олиш учун сув буғи билан ҳайдаш усули ўтказилди ва осон учувчи эритувчилар ёрдамида экстракция қилинди. Эритувчи сифатида петролей эфири ва этил спиртидан фойдаланилди. Арча қуббасидан 1,5 % миқдорида, игна баргларидан эса 1,8 % миқдорда эфир мойи олинди.

Арча қуббаси ва игна баргларидан экстракция ва ҳайдаш усуллари билан олинган эфир мойлари ўзига хос ҳидга эга. Ушбу олинган суюқликдан 1 г олиб уни этил спиртида эритилди. Бунда ёғ томчилари ёки лойка ҳосил бўлмади.

Бир томчи ҳайдаб олинган эфир мойидан олиб фильтр қофозига томизилди, сўнгра уни бир оз вақт (2 дақиқа) қўйиб қўйилди. Бунда эфир мойи учуб кетди. Агар эфир мой

таркибидаги ёғлар бўлганда фильтр қофозида ёф доғлари қолар эди.



1-расм. Ҳайдаб олинган эфир мойи ва сув аралашмалари

Доривор маҳсулот таркибидаги эфир мойи микдорини аниқлаш. Маҳсулот таркибидаги эфир мойларини аниқлаш учун 700-800 мл ҳажмдаги таги яssi колбага 10 г майдаланган маҳсулотдан солиб, устига 300 мл сув қуйилади ва колба устига шарикли сув совутгич тик ҳолатда ўрнатилади. Совутгични пастки колбага кириб турган қисмига Гинзберг асбобчасини ўрнатилади ва колба қиздирилади. Гинзберг асбобчаси U шаклда бўлади. Сув қайнаганда ўзи билан бирга эфир мойини учириб чиқаради ва совутгичда совугандан сўнг суюқликка айланиб Гинзберг асбобчасига оқиб тушади. Эфир мойини зичлиги сувдан кам бўлса эфир мойи Гинзберг асбобчасини юқори қисмида тўпланади ва ҳажми мл да қўриниб туради. Охирги 10-20 дақиқа ичида эфир мойи микдори ошмаса демак эфир мойини ҳаммаси маҳсулотдан ажратиб олинган ҳисобланади.

МУХОКАМА

Эфир мойининг чиқиши унумига хом-ашёнинг майдаланиш даражаси, экстракция вақти давомийлиги ва экстракция жараёнида сув ҳароратига боғлиқликлари ўрганилди.

Арча ўсимлигининг игнасимон барглари ва қуббаси 2 мм қалинликда майдаланиши ва экстракция жараёни давомийлигининг ошиши билан эфир мойининг чиқиши унуми ортганлиги исботланди. Сув ҳароратини 40°C дан оширмаслик керак, чунки 40°C ҳароратдан баланд ҳароратда очиқ экстракция жараёни борса, эфир мойининг йўқотилишига олиб келади.

Экстракция жараёнининг давомийлиги ошиши билан эфир мойининг чиқиши унуми ҳам ортади ва 60 дақиқа давомидаги экстракция жараёнида эфир мойининг чиқиши унуми энг юқори бўлади.

Арча ўсимлигининг майдаланиш даражаси эфир мойи унумига боғлиқликлиги 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Арча ўсимлигининг майдаланиш даражаси эфир мойи унумига боғлиқликлиги

Майдаланиш даражаси, (мм ҳисобида)	Эфир мойининг чиқиш унуми,(% да)
2	2
4	1,6
6	1,2
8	1

Ушбу жадвалдан шуни хулоса қилиш мумкинки, арча ўсимлиги 2 мм майдалиқда майдаланса, эфир мойи юқори унум билан олинади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тажриба натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, игна баргли ўсимликларнинг турли қисмларидан, яъни новдаси, қуббаси ва баргидан сув буғи ёрдамида эфир мойлари ажратиб олишда арча ўсимлигининг майдаланиш даражаси 2 мм қалинликда ва экстракция давомийлиги 60 дақиқа, 40⁰C ҳароратда олиб борилса, эфир мойини ажралиши юқори бўлади. Эфир мойларини олишнинг экстракция усулида осон учувчан эритувчилардан фойдаланилди. Эритувчи сифатида петролей эфири ва спиртдан фойдаланилди. Этил спиртини заҳарлилиги петролей эфирга нисбатан кам, лекин экстракциялаш қобилияти паст.

REFERENCES

1. Банный, И.П., Литвиненко, М.М., и др. (2003). Фармакогностический анализ лекарственного растительного сырья. Золотые страницы.
2. Гуринович, Л., Пучкова, Т. (2005). Эфирные масла: химия, технология, анализ, применение. Школа косметических химиков.
3. Солодовниченко, Н.М., и др.(2002) Лекарственное растительное сырьё. «МТК - Книга».
4. Чуевшов, В.И. (2002). Промышленная технология лекарств. НФАУ.